# Qur’on qiroat qilganda xar bir oyatda vaqf qilish «sunnat» deyiladi

21:36 / 27.04.2016 6335

Қуръон қироат қилганда хар бир оятда вақф қилиш «суннат» дейилади. Шунга мувофиқ Мадина босма Қуръонида оятнинг охирида Лом-Алиф белгиси йўқ. Шунга кўра барча оятлардан кейин вақф қилинади. Лекин Абдурахмоний ва Абдумоликий қори Қуръонларида кўп жойларда оятлар қўшиб қироат қилинади. Чунки уларда Лом Алиф белгиси бўлади. Аслида қай бири суннатга мувофиқ?

Ҳадиси шарифларда "Пайғамбаримиз (С.А.В.) ҳар бир оятнинг оҳирида тўхтаб ўқир эдилар. Саҳобалар ўшандан оятларни бошланиши оҳирини билиб олганлар" деган маънодаги ривоятлар бор. Кейинчалик Қуръони Каримни жамлаб китоб шаклига келтиргандан сўнг, яна бир муддатлар ўтиб одамларни Қуръон қироатидаги билимларини, оммани арабмасларни ўргатиш мақсадида қироат илмининг устозлари, алломалари ўша Расми Усмонийнинг ҳеч ўзгармасдан тутиб қолган ҳолда унинг атрофига баъзи-бир белгиларни қўйишни лозим топганлар ва бу ишни амалга оширганлар. Ана шу пайтда вақф белгилари ҳам қўйилган, қироат илмининг билимдонлари айтишларича бу саволда келтирилган номлари "Абдураҳмоний", "Абдулмоликий" Қуръон деганлари асосан бизнинг ўлкаларда, Осиё ўлкаларида, араб бўлмаган мусулмон қориларнинг томонидан ёзилган, йўлга қўйилган китоблар яъни Қуръонлар бўлиб уларда маънони асосида тўхташ учун алоҳида белги қўйилган, оятларнинг орасидагиси алоҳида белги қолган. Демак асосий тўхтамаса бўлмайдиган жойларда ана шу тўхташни лозимлигини билдирадиган белгини қўйилган. Бу оятнинг маъноси улаб ўқиб кетса, маънога ҳалал етиш эҳтимоли борилигидан қилинган аломатлар бўлади. Мадинаи Мунаввaрадаги мусхафи шариф бу нисбатан энг янги мусхофлардан бири бўлади. Буни мана шу яқин йиллар давомида амалга оширилган, қорилардан бир гуруҳ тузиб ана шуни қараш, тўғрилаш, баъзи-белгиларини қўйиш маънолари ҳам йўлга қўйилган. Ўша мусхофи шарифнинг оҳирида шу белгилар тўғрисида уни демак ташкиллаштирган илмий гуруҳни тушунтириш демак матни ҳам бор. Бу ерда мулоҳаза қилинадики албатта уни араблар қилганлари учун, араблар маъноларини аниқ билганларидан ҳаммасини бир хил қилиб қўйиб кетаверганида қори ўзи ўқиб кетаётган пайтида тўхташ лозим бўлган ерни ўзи билади деган маънода. Бу ерда

Мадинабосма Қуръонда барча оятлардан кейин вақф қилинади деяпти, йўқ мана Мадинани, Маккани қориларини қироатларига қулоқ солинадиган бўлса, албатта ҳар бир оятни оҳирида тўхтаб ўқиётганлари йўқ, улаб ўқиб кетаётган ҳолатлари ҳам бор. Бу ҳалиги маънода оятнинг маъносига қараб тўхташ албатта лозим бўлган жойда тўхташади, улаб кетиш жоиз бўлган жойда улаб кетаверишади. Асосан бу ердаги белгиларни демак эътиборга олиниши ана шу Қуръонларни босмага тайёрлаш пайтидаги ҳолат. Ўша замоннинг демак талаблари, шартлари ва ким ўқиши кўзланаётганлигини эътибори ва бошқа кўпгина омиллар эътиборга олинган бўлади.